Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2026 ЙИЛ – МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2026 йил 3 октябрь, № 206 (9377) Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ЎЗБЕКИСТОН – ДАНИЯ: ҲАМКОРЛИКНИНГ КЕНГ ИМКОНИЯТЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2 октябрь куни мамлакатимизга расмий ташриф билан келган Дания Қироллиги ташқи ишлар вазири Ларс Лёкке Расмуссенни қабул қилди.



Ўзбекистон — Дания муносабатларини сиёсий, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳаларда кенгайтиришнинг амалий жиҳатлари кўриб чиқилди.

Икки томонлама ҳамкорлик сезиларли даражада фаоллашгани мамнуният билан қайд этилди. Ўтган йили Данияга Ўзбекистоннинг қароргоҳи Стокгольм шаҳрида бўлган илк элчиси тайинланди. Жорий йилда Дания Марказий Осиё бўйича махсус вакилини тайинлади.

Сўнгги йилларда ўзаро товар айирбошлаш ҳажми қарийб беш баробар ошди. Даниянинг етакчи компаниялари иштирокида Ўзбекистонда тоғ-кон, кимё ва озиқ-овқат саноати, қишлоқ хўжалиги, сув таъминоти ҳамда бошқа соҳаларда қўшма лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Ўзаро савдо ҳажмини янада ошириш, Дания инвестициялари, илғор технологиялари ва ноу-хауларини энергетика, фармацевтика, транспорт ва логистика, агросаноат мажмуи ҳамда бошқа истиқболли йўналишларга жалб этиш муҳимлиги таъкидланди.

Таълим, маданият ва туризм соҳаларида алоқаларни ривожлантириш учун салмоқли салоҳият мавжудлиги қайд этилди.

Халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Учрашув якунида ҳамкорликни тизимли равишда кенгайтириш учун институционал ва шартномавий-ҳуқуқий асосларни янада мустаҳкамлаш юзасидан келишувга эришилди.

ЎзА.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

Халқаро анжуман

РАҚАМЛИ ТРАНСФОРМАЦИЯ ДАВРИДА ОДИЛ СУДЛОВ ТИЗИМИ

Қадимий Буюк Ипак йўли чорраҳасида жойлашган кўҳна ва ҳамиша навқирон Самарқанд шаҳрида 1-2 октябрь кунлари Осиё конституциявий судлари ва эквивалент институтлари ассоциациясининг "Рақамлаштириш ва сунъий интеллект шароитида конституциявий одил судлов" мавзуидаги VII конгресси бўлиб ўтди.

Дунёнинг 20 дан ортиқ давлатларидан келган конституциявий ва олий судлар раҳбарлари, халқаро ташкилотлар вакиллари ҳамда етакчи ҳуқуқшунос олимларни бир майдонга жамлаган халқаро анжуман глобал технологик трансформация шароитида қонун устуворлиги ва инсон қадр-қимматини таъминлашнинг янги механизмларини муҳокама қилишга қаратилгани билан муҳим аҳамият касб этди.

Анжуманнинг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг конгресс иштирокчиларига йўллаган мурожаати ўқиб эшиттирилди. Унда мамлакатимизда амалга оширилаётган суриштирув ва суд-ҳуқуқ ислоҳотларида инсон ҳуқуқлари ва суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлаш энг олий устувор йўналиш экани, рақамли технологиялар даврида конституциявий одил судловни ривожлантириш замон талаби экани алоҳида таъкидланган.

Конгресснинг биринчи куни Ассоциация бош котиблари ва аъзолар кенгашининг мажлислари ўтказилди. Ташкилотнинг 2025 йилдаги фаолияти якунлари сарҳисоб қилиниб, 2026-2027 йилларга мўлжалланган устувор йўналишлар, илмий тадқиқот ва кадрлар салоҳиятини ошириш масалалари атрофлича кўриб чиқилди.

➡2

Учрашув

«МАҲАЛЛА ЕТТИЛИГИ» ТАЖРИБАСИ ЭЪТИРОФИ

28-29 сентябрь кунлари Вена шаҳрида Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХҲТ) томонидан одам савдосига қарши курашиш бўйича миллий координатор ва маърузачилар учрашуви ташкил этилди. Унда Ўзбекистон делегацияси ҳам қатнашди.

Тадбир доирасида Марказий Осиё давлатларининг одам савдосига қарши курашиш соҳасидаги миллий тизимлари, мавжуд муаммолар ва минтақавий ҳамкорликни ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди ҳамда маҳаллий давлат органлари ва ҳудудларнинг одам савдосининг олдини олишга қарши курашишдаги ролини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистонда одам савдосининг олдини олиш, жабрланган шахсларни ҳимоя қилиш ва уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш борасидаги тажриба тадбир иштирокчиларига тақдим этилди. Хусусан, "маҳалла еттилиги" тизимининг аҳоли билан бевосита ишлаш, ижтимоий хавф гуруҳларини барвақт аниқлаш, муаммоларни манзилли ҳал қилиш, шунингдек, маҳалла даражасида давлат ва жамоат институтлари фаолиятини мувофиқлаштиришдаги имконият-лари ҳақида маълумот берилди.

Ўз навбатида, ҳудудий комиссиялар фаолияти, одам савдосидан жабрланган шахсларга комплекс ижтимоий хизматлар кўрсатиш ва соҳанинг институционал асосларини мустаҳкамлашга қаратилган чора-тадбирлар муҳокамага тортилди.

Ўзбекистоннинг мазкур стратегик ёндашуви иштирокчи давлатлар томонидан ижобий баҳоланиб, одам савдосининг олдини олиш ва ижтимоий ҳимоя механизмларини маҳаллий даражада ўзаро боғловчи амалий тажриба сифатида қайд этилди.

Шунингдек, одам савдосига қарши курашиш соҳасида самарали тажриба алмашиш, профилактика механизмларини кучайтириш ва минтақавий ҳамкорликни янада ривожлантириш масалалари юзасидан ҳам фикр алмашилди.

«Халқ сўзи».

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг йигирманчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

2 октябрь куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг йигирманчи ялпи мажлиси ўз ишини бошлади.



Унда Сенат, ҳукумат аъзолари, вазирлик ва идораларнинг вакиллари, маҳаллий Кенгашларнинг депутатлари, Сенат ҳузуридаги Ёшлар парламенти аъзолари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

Видеоконференцалоқа тарзида ўтказилган ялпи мажлисни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева олиб борди.

Ялпи мажлис Сенатнинг "YouTube" тармоғидаги саҳифаси орқали тўғридан-тўғри ёритиб борилди.

Йигирманчи ялпи мажлиснинг биринчи иш кунини сенаторлар "Озиқ-овқат маҳсулотининг хавфсизлиги тўғрисида"ги қонунни муҳокама қилишдан бошлади.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда аҳолини сифатли ва хавфсиз озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг сифати ва рақобатбардошлигини ошириш, экспорт салоҳиятини юксалтириш борасида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, амалдаги қонунчиликда тадбиркорлик субъектларининг озиқ-овқат маҳсулотларини доимий равишда хавфсиз ҳолда ишлаб чиқариш, сақлаш ва муомалага киритиш борасидаги мажбуриятлари ҳамда масъулиятини аниқ белгиловчи нормаларни янада такомиллаштириш зарурати юзага келмоқда.

Қонун билан аҳолини хавфсиз озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, соҳада давлат назорати самарадорлигини ошириш ва маҳсулот хавфсизлигининг ягона тамойиллари халқаро талаблар асосида белгиланмоқда.

Шунингдек, соҳада ваколатли давлат органининг ваколатлари, вазифа ва мажбуриятлари аниқлаштирилиб, зарур гигиена, ишлаб чиқариш, чорвачилик ва қишлоқ хўжалиги амалиёти каби ҳуқуқий тушунчалар қўшимча қилинмоқда.

Шу билан бирга, озиқ-овқат маҳсулотининг хавфсизлиги соҳасида давлат назоратини амалга оширишнинг асослари, тартиби ва шакллари халқаро битим талаблари билан уйғунлаштирилмоқда.

Қонунда Ўзбекистон Республикасининг келиб чиқиши ҳайвонотга мансуб бўлган ва хавф даражаси юқори маҳсулотларга нисбатан қўйиладиган талаблари ваколатли органнинг расмий веб-сайтида эълон қилиниши назарда тутилмоқда.

Сенаторларнинг таъкидлашича, қонуннинг қабул қилиниши аҳолининг хавфсиз ва сифатли озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган ҳуқуқини ишончли таъминлашга хизмат қилади.

Шу билан бирга, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини кучайтириш, озиқ-овқат саноатининг инвестициявий жозибадорлигини юксалтириш ҳамда мамлакатнинг экспорт салоҳиятини янада ошириш учун мустаҳкам ҳуқуқий замин яратилади.

Сенаторлар қонунни маъқуллади.

Сенатнинг 20-ялпи мажлисида "Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида"ги Конституциявий қонун кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, янги таҳрирдаги Конституция нормаларини амалиётга татбиқ этиш ва фуқароларнинг конституциявий одил судловга эришиш имкониятларини кенгайтириш зарурияти ушбу қонунни қабул қилишни тақозо этмоқда.

Амалдаги қонунчиликда рақамли технологиялардан фойдаланиш ва мурожаатларни дастлабки кўриб чиқиш борасида муайян ҳуқуқий бўшлиқлар мавжуд эди.

Конституциявий қонун билан қуйидаги энг муҳим янгиликлар киритилмоқда.

Суд фаолиятига ахборот тизими жорий этилиб, мурожаатларни электрон шаклда юбориш, жараённи онлайн кузатиш, видеоконференцалоқа ва мобиль илова орқали судда иштирок этиш ҳамда очиқ суд мажлисларини интернет орқали жонли эфирга узатиш имконияти яратилмоқда.

Фуқаролар ва юридик шахсларнинг оворагарчилигига чек қўйиш ва муддатларни аниқ белгилаш мақсадида келиб тушган мурожаатларни 15 кунлик муддатда дастлабки тарзда ўрганиш, тааллуқли бўлмаган мурожаатларни ваколатли органларга юбориш ёки қабул қилишни рад этиш ҳақида ажрим чиқариш тартиби йўлга қўйилмоқда.

➡2

Депутатлар — ҳудудларда

АҲОЛИ МАНФААТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШГА ҚАРАТИЛГАН ОЧИҚ МУЛОҚОТЛАР

Шу кунларда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ўз сайлов округларидаги маҳаллалар, хонадонлар ҳамда ижтимоий-иқтисодий объектларда бўлиб, аҳоли билан очиқ ва самарали мулоқотлар ўтказмоқда. Учрашувлар давомида Президентимиз раислигида ўтказилаётган видеоселектор йиғилишларида белгиланган топшириқлар мазмун-моҳияти кенг тушунтирилмоқда. Давлат раҳбари томонидан илгари сурилаётган муҳим ташаббуслар, шунингдек, қабул қилинаётган қонунлар ва уларнинг аҳоли ҳаётидаги аҳамияти сайловчиларга етказилмоқда. Шу билан бирга, жойлардаги мавжуд муаммолар атрофлича ўрганилиб, уларни бартараф этиш юзасидан амалий чоралар кўрилмоқда.

Ватан равнақи учун масъуллик

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Наримон Умаров Тошкент вилоятининг Тошкент туманида бўлиб, тегишли ташкилотлар масъуллари, маҳаллий депутатлар ва фаол ёшлар билан учрашди. Мулоқотлар давомида ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ҳолати, маҳаллаларда амалга оширилаётган ишлар ва аҳолини қийнаётган масалалар атрофлича кўриб чиқилди.

➡3

ИНСОН ҚАДР-ҚИММАТИ, ТЕНГЛИК ВА БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДА ГЛОБАЛ ШЕРИКЛИК

28-29 сентябрь кунлари мамлакатимизда бешинчи бор анъанавий Инсон ҳуқуқлари бўйича Самарқанд форуми бўлиб ўтди. Бу йилги халқаро тадбир "Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро пактларнинг 60 йиллиги ва Ривожланиш ҳуқуқи тўғрисидаги декларациянинг 40 йиллиги: инсон қадр-қиммати, тенглик ва барқарор тараққиёт йўлида глобал шериклик" мавзуига бағишланди.

Форум

Форум Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази томонидан Ташқи ишлар вазирлиги, шунингдек, БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси, ЕХҲТ, Халқаро Қизил хоч қўмитаси, Халқаро тараққиёт ва адолат маркази ҳамда бошқа ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда ташкил этилди.

Ҳар икки йилда ўтказиб келинаётган мазкур тадбир қисқа вақт ичида инсон ҳуқуқларининг турли соҳаларига оид долзарб масалаларни муҳокама қилиш ва уларга самарали ечимлар топиш борасида дунё миқёсида ўзига хос мулоқот майдонига айланди. V Самарқанд форумида халқаро, минтақавий, хорижий ва миллий ташкилотларнинг 200 дан ортиқ вакиллари юзма-юз ва онлайн форматларда иштирок этгани фикримизнинг яққол тасдиғидир.

➡4

САНОАТ МАҲСУЛОТЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҲАЖМИ 926 ТРЛН. СЎМДАН ОШДИ

Факт ва рақамлар

- 2026 йил 1 сентябрь ҳолатига кўра, мамлакатимизда **65,3 мингта** саноат корхонаси фаолият юритмоқда.
- Миллий статистика қўмитаси маълумотларида қайд этилишича, жорий йилнинг январь — август ойларида **926,5 трлн. сўмлик** саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилган. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг мос давридагига нисбатан **8 фоиз** ошган. Бунда озиқ-овқат, нометалл минерал маҳсулотлар, кийим-кечак, тайёр металл буюмлар, мебель ва тўқимачилик маҳсулотларининг улуши, айниқса, катта бўлди.
- Аҳоли жон бошига саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми республика бўйича **24,1 млн. сўм**ни ташкил этган.

Халқ сўзи
www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz
2026 йил 3 октябрь

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг йигирманчи ялпи мажлиси тўғрисида

АХБОРОТ



Акмал МУҲАММАДОВ олган сурат.

1 Конституциявий суд қарорларининг ижро механизми кучайтирилмоқда. Конституцияга зид деб топилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилган орган ушбу ҳужжатни 3 ой муддатда Конституцияга мувофиқлаштириши шартлиги ҳамда бундай ҳужжатлар асосида чиқарилган суд қарорларини қайта кўриб чиқиш тартиби аниқ белгиланмоқда.

Суд кадрлари таркибини мустаҳкамлаш ва холисликни таъминлаш учун Судьялар олий кенгаши билан биргаликда Конституциявий суд судьялигига номзодлар захирасини шакллантириш механизми мустаҳкамланмоқда.

Сенаторлар фикрича, қонун фуқаролар ва тадбиркорларнинг конституциявий ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилиш, суд шаффофлигини ошириш ва фуқароларнинг одил судловга эришиш имкониятини тубдан яхшилашга хизмат қилади.

Муҳокама якунида Сенат аъзолари қонунни маъқуллади.

Ялпи мажлисда “Болаларни зўравонликнинг барча шаклларидан ҳимоя қилиш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун муҳокама қилинди.

Мамлакатимизда болаларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, уларни тазйиқ ва зўравонликдан муҳофаза қилиш давлат сиёсатининг энг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Аммо амалиёт таҳлили вояга етмаганларга нисбатан содир этилаётган жинсий ва жисмоний зўравонлик ҳолатларига қарши жазо муқаррарлигини таъминлаш ҳамда процессуал ҳимоя механизмларини янада кучайтиришни тақозо этмоқда.

Қонун билан Жиноят, Жиноят-процессуал, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги, Жиноят-ижроия ва Меҳнат кодексларига ҳамда бир қатор қонунларга принципиал ва қатъий ўзгартиришлар киритилмоқда.

Хусусан, 14 ёшга тўлмаган болаларга нисбатан жинсий зўравонлик содир этган шахслар учун узоқ муддатга — 25 йилгача озодликдан маҳрум қилиш ёки умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси жорий этилмоқда.

Ушбу тоифадаги жиноятлар бўйича жавобгарликка тортиш ва ҳукмни ижро этиш муддати ўтиб кетганлиги қўлланилмайди, шунингдек, боланинг ўлимига сабаб бўлган қасддан жиноят содир этган шахсга нисбатан шартли ҳукм қилиш ва муддатидан илгари шартли озод қилиш тақиқланади.

Суд ва тергов жараёнларида болаларни қайта руҳий жароҳатланишдан ҳимоя қилиш мақсадида зўравонликдан жабрланган вояга етмаганларни сўроқ қилиш жараёнини видеоёзув орқали қайд этиш, жабрланувчи бола ва айбланувчи ўртасидаги юзлаштиришни фақат суриштирувчи, терговчи ёки прокурорнинг қарори ёхуд суднинг ажрими билан ўтказиш ҳамда болага процессуал жараён бошиданоқ давлат ҳисобидан бепул адвокат ажратиш тизими йўлга қўйилмоқда.

Шунингдек, таълим ва тарбия муассасалари ходимлари томонидан болага нисбатан зўравонлик содир этилганда, улар билан меҳнат шартномасини бекор қилиш асоси киритилмоқда.

Ота-оналарнинг болаларга ғамхўрлик кўрсатмаслиги, шаҳвоний шилқимлик, никоҳ ёшини бузиш ҳамда болаларни соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилмаганлик учун маъмурий жазолар кескин кучайтирилмоқда.

Сенаторлар ушбу қонун жамиятда болаларга нисбатан зўравонликнинг ҳар қандай кўринишига чек қўйишга, содир этилган қилмиш учун жазонинг муқаррарлигини таъминлашга ҳамда ҳар бир боланинг хавфсиз ва адолатли муҳитда камол топишига хизмат қилишини алоҳида қайд этди.

Сенат аъзолари қонунни маъқуллади.

Бундан ташқари, Сенатнинг ялпи мажлисида “Ўзбекистон Республикаси Марказий банки фаолияти янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”ги қонун кўриб чиқилди.

Кейинги йилларда мамлакатимизда макроиқтисодий барқарорликни таъминлашга, бозор механизмларини ривожлантиришга, банклар ва тўлов тизимларининг барқарорлигини кучайтиришга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, Марказий банк томонидан пул-кредит сиёсатини амалга ошириш, кредит ташкилотлари учун пруденциал нормативларни белгилаш ва тўлов тизимларини тартибга солиш соҳасидаги ваколатларни халқаро тамойиллардан келиб чиққан ҳолда самарали тарзда амалга ошириш, молия бозорида юзага келадиган фавқулодда вазиятлар шароитида тезкор ҳуқуқий чоралар кўриш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Қонун билан айрим қонун ҳужжатларига Марказий банкнинг институционал мустақиллигини янада мустаҳкамлашга, унинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ҳамда қабул қилиш билан боғлиқ фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган тузатишлар киритилмоқда.

Жумладан, Марказий банк, унинг ҳудудий бош бошқармалари ва тасарруфидаги ташкилотлар фаолиятини текшириш Олий Мажлис Сенатининг қарори асосида ёки қонунда назарда тутилган ҳолларда амалга оширилиши белгиланмоқда.

Бундан ташқари, банкларда корпоратив бошқарувни ва ички аудитни ташкил этиш, аҳолининг қарз юкини тартибга солиш, пул-кредит сиёсатини амалга ошириш, тизимли молиявий инқироз юзага келишининг олдини олиш ҳамда тўловларни ва тўлов тизимларини тартибга солиш юзасидан Марказий банкнинг юридик хизматининг ижобий хулосаси берилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар соддалаштирилган тартибда ўн кун ичида давлат рўйхатидан ўтказилиши белгиланмоқда.

Сенаторларнинг фикрича, мазкур қонун банклар ва тўлов тизимларининг барқарорлигини мустаҳкамлашга, банклар ва тўлов тизимларини ривожлантириш борасида илғор халқаро амалиётни янада кенг жорий этишга хизмат қилади.

Муҳокама якунида сенаторлар қонунни маъқуллади.

Сенатнинг йигирманчи ялпи мажлисида “Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ҳақида”ги қонун муҳокама қилинди.

Кейинги йилларда мамлакатимизда аҳолини хавфсиз ва сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, озиқ-овқат маҳсулотларининг хавфсизлигига оид талабларни бузганлик учун маъмурий жавобгарликни қайта кўриб чиқиш, ҳуқуқбузарликларни аниқ таснифлаш, маҳсулотни реализация қилганлик билан бир қаторда уни сотиш учун қабул қилганлиги сабабли ҳам жавобгарлик белгилаш, такрорий ҳуқуқбузарликларга нисбатан кучайтирилган чораларни жорий этиш зарурати юзага келмоқда.

Қонун билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга истеъмол муддати ўтган озиқ-овқат маҳсулотларини, шунингдек, ишлаб чиқарилган санаси ва яроқлилик муддати кўрсатилиши шартлиги белгиланган озиқ-овқат маҳсулотларини уларни кўрсатмаган ҳолда реализация қилиш ҳамда сотиш учун қабул қилганлиги сабабли жавобгарлик кучайтирилишини назарда тутувчи тузатишлар киритилмоқда.

Қайд этилганидек, жавобгарликни кучайтиришдан асосий мақсад аҳоли саломатлигига хавф туғдириши мумкин бўлган маҳсулотларни савдо айланмасидан барвақт чиқариш ва бундай ҳолатларнинг олдини олишдан иборат.

Сенаторларнинг фикрича, ушбу қонуннинг қабул қилиниши фуқароларнинг ҳаётига ва соғлиғига зарар етказилиши билан боғлиқ ҳолатларнинг олдини олишга, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини янада самарали ҳимоя қилишга хизмат қилади.

Сенаторлар қонунни маъқуллади.

Сенатнинг ялпи мажлисида “Халқаро меҳнат стандартлари миллий қонунчиликка имплементация қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига ўзгартириш ва қўшимча киритиш тўғрисида”ги қонун ҳам кўриб чиқилди.

Кейинги йилларда мамлакатимизда камситишнинг олдини олиш, меҳнат муносабатларида тенглик ва адолат тамойилларини таъминлаш ҳамда халқаро меҳнат стандартларини миллий амалиётга изчил жорий этиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, Халқаро меҳнат ташкилоти конвенцияларига қоидаларини миллий қонунчиликка имплементация қилиш орқали меҳнат соҳасидаги ҳуқуқий база босқичма-босқич такомиллаштирилмоқда.

Қонун билан Меҳнат кодексига “терисининг ранги” ҳамда “сиёсий қарашлари” каби белгилар меҳнат ва машғулотлар соҳасида камситиш сифатида баҳоланадиган ҳолатлар ҳисобланишини, шунингдек, меҳнат ва машғулотлар соҳасида шаҳвоний шилқимликка йўл қўйилмаслигини назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимча киритилмоқда.

Сенаторларнинг фикрича, қонун меҳнат соҳасида барча фуқаролар учун тенг имкониятлар яратиш, ҳар қандай кўринишдаги камситишларнинг олдини олиш ҳамда фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолатларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Муҳокама якунида сенаторлар қонунни маъқуллади.

Шу билан бирга, Сенатнинг 20-ялпи мажлисида “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига уюшган жиноятчилик ва жамоат тартибига қарши жиноятлар учун жавобгарликни янада кучайтиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун муҳокама қилинди.

Мамлакатимизда кейинги йилларда ҳуқуқбузарликларни барвақт аниқлаш ва олдини олиш, жамоат тартибини таъминлаш ҳамда фуқароларнинг тинч ва осойишта ҳаётини муҳофаза қилиш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Шунингдек, жиноят содир этиш усулларининг ўзгариб бориши, уюшган жиноятчиликнинг янги шакллари пайдо бўлиши жавобгарлик чораларини замонавий таҳдидларга мос равишда такомиллаштиришни тақозо этмоқда.

Қонун билан уюшган жиноятчиликка қарши курашишнинг ҳуқуқий механизмларини кучайтиришга қаратилган қатор муҳим ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Жумладан, Жиноят кодекси жиноий уюшма фаолиятини молиялаштирганлик учун жавобгарликни назарда тутувчи янги норма билан тўлдирилмоқда. Шунингдек, жиноий уюшма ташкил этилиши ёки унинг томонидан содир этилган жиноятларни яширишга ҳокимият ёки мансаб ваколатларини суиистеъмол қилиш орқали ҳомийлик қилганлик учун ҳам алоҳида жавобгарлик белгиланмоқда.

Бундан ташқари, уюшган гуруҳ томонидан содир этилган безорилик учун жавобгарлик чоралари кучайтирилмоқда. Жиноят содир этгунга қадар 14 ёшга тўлган шахсларнинг уюшган гуруҳ таркибида безорилик содир этганлиги учун жиноий жавобгарлик белгиланмоқда.

Қонун билан безорилик оқибатида қасддан баданга оғир шикаст етказиш, шунингдек, жабрланувчининг ўлимига сабаб бўлган оғир шикаст етказиш учун жавобгарликни кучайтириш ҳам назарда тутилмоқда.

Яна бир муҳим янгилик. Жанговар спорт турлари бўйича спорт мусобақаларини қонунга хилоф равишда ташкил этиш ёки ўтказиш учун жиноий жавобгарлик белгиланмоқда. Бундай мусобақаларда иштирок этганлик учун эса Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда алоҳида жавобгарлик чораси назарда тутилмоқда.

Шунингдек, мазкур жиноятлар бўйича дастлабки терговни қайси органлар амалга оширишига оид процессуал нормалар ҳам аниқлаштирилмоқда.

Сенаторлар ўз чиқишларида қонуннинг жиноий уюшмаларнинг молиявий манбаларини чеклаш, уюшган жиноятчиликка қарши курашиш самарадорлигини ошириш, ёшларни жиноий муҳит таъсиридан ҳимоя қилиш ва оғир оқибатларга олиб келувчи зўравонлик жиноятларининг олдини олишдаги аҳамиятини таъкидлади.

Сенаторлар қонунни маъқуллади.

Сенатнинг ялпи мажлисида “Давлат ветеринария назорати такомиллаштирилиши муносабати билан “Ветеринария тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ҳақида”ги қонун кўриб чиқилди.

Мазкур қонун ветеринария-санитария хавфсизлигини таъминлашнинг кафолатли тизимини жорий этиш, давлат ветеринария назоратини янада такомиллаштириш ҳамда ветеринария тўғрисидаги қонунчиликни Жаҳон савдо ташкилотининг қоидаларига мувофиқлаштиришга қаратилган.

Шу билан бирга, ҳайвонлар касалликларининг олдини олиш, профилактика тадбирларининг даволаш ишларига нисбатан устуворлиги ҳамда ҳайвонотга мансуб маҳсулот ва хомашё хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ нормалар мустаҳкамланмоқда.

Қонун билан “Ветеринария тўғрисида”ги Қонунга ветеринария соҳасидаги асосий принципларни белгилаш, давлат, идоравий ва ишлаб чиқаришдаги ветеринария хизматлари ҳамда хусусий ветеринария фаолиятини мувофиқлаштириш, давлат ветеринария хизмати назорати остидаги товарларни ишлаб чиқариш, тайёрлаш, қайта ишлаш, сақлаш, ташиш ва реализация қилиш билан боғлиқ хавфни таҳлил қилиш ва бошқаришга қаратилган тузатишлар киритилмоқда.

Шунингдек, соҳага оид миллий қонунчиликни халқаро нормаларга, шу жумладан, Жаҳон савдо ташкилотининг қоидалари ва нормаларига уйғунлаштириш ҳам назарда тутилмоқда.

Бундан ташқари, ҳайвонларнинг юқумли касалликлари бўйича ҳудудлар ва кичик ҳудудларни (компартментларни) ажратиш, уларнинг хавфсизлик тоифаларини белгилаш, ветеринария-санитария чораларини хавф таҳлили асосида қўллаш ҳамда давлат ветеринария хизмати назоратидаги товарларни зарур ҳолларда лаборатория текширувидан ўтказишга оид тартиб ҳам мустаҳкамлаб қўйилмоқда.

Сенаторлар фикрича, қонун миллий қонунчиликни халқаро нормаларга уйғунлаштириш, мамлакатимизда ветеринария осойишталиги ва ветеринария назоратидаги товарларнинг хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилади.

Муҳокама якунида сенаторлар қонунни маъқуллади.

Сенатнинг ялпи мажлисида “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, амалдаги қонунчиликда тегишли мақомга эга бўлган шахсларнинг дахлсизлигига оид нормалар турли соҳавий қонунларда тарқоқ ҳолда мавжуд бўлиб, уларни қўллашда ягона процессуал тартибнинг йўқлиги амалиётда муаммоларни келтириб чиқараётган эди.

Қонун билан Жиноят, Жиноят-процессуал, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекслар ҳамда “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги ва бошқа қонунларга муҳим тузатишлар киритилмоқда.

Жумладан, Жиноят-процессуал ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекслар янги боблар билан тўлдирилиб, дахлсизликка эга шахслар доираси (депутатлар, судьялар, Омбудсман, прокурорлар, комплаенс хизмати ходимлари, адвокатлар ва бошқалар) аниқ тизимлаштирилди.

Ушбу шахсларга нисбатан жиноят иши қўзғатиш, розилик олиш, ушлаб туриш, қамоққа олиш, тинтув ва тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишнинг ваколатли субъектлари ва қатъий тартиби белгиланмоқда.

Сенаторларнинг таъкидлашича, ушбу қонун мансабдор ва тегишли мақомга эга шахсларни асоссиз таъқиб ва босимлардан ҳимоя қилиш, уларнинг ўз хизмат вазифаларини мустақил бажаришини таъминлаш ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятида суиистеъмолликнинг олдини олишга хизмат қилади.

Муҳокама якунида Сенат аъзолари қонунни маъқуллади.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг йигирманчи ялпи мажлисининг биринчи иш куни якунланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Ахборот хизмати.

РАҚАМЛИ ТРАНСФОРМАЦИЯ ДАВРИДА ОДИЛ СУДЛОВ ТИЗИМИ

1 Аъзолар кенгаши йиғилишида ассоциация аъзолиги географиясини кенгайтириш, халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш, кейинги раислик масаласи ҳамда нуфузли анжуманнинг бош ҳужжати — Самарқанд декларацияси лойиҳаси муҳокама қилиниб, маъқулланди.

Конгресснинг I ялпи мажлиси “Рақамли трансформация шароитида судьялар мустақиллиги, инсон ҳуқуқлари ва қонун устуворлиги” мавзуига бағишланди. Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди раиси Мирзо-Улуғбек Абдусаломов ва рақамли технологиялар вазири Шерзод Шерматов маърузалари тингланди. Шунингдек, Ҳиндистон, Корея Республикаси, Туркия, Қозоғистон, Озарбайжон, Таиланд, Индонезия, Мьянма, Филиппин, Россия ва Испания юрисдикциялари вакиллари рақамли муҳитда конституциявий назоратни самарали ташкил этиш тажрибалари билан ўртоқлашди. Муҳокамаларда судьялар мустақиллигига технологик аралашувларнинг олдини олиш, кибермаконда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кафолатлари ҳамда одил судловга эришишда рақамли ечимларнинг ўрни атрофлича таҳлил қилинди.

Конгресснинг иккинчи куни сунъий интеллект ва халқаро ҳамкорликнинг долзарб масалаларига бағишланди. II ялпи мажлис “Конституциявий назоратда сунъий интеллект: имкониятлар, ҳуқуқий чегаралар ва процессуал кафолатлар” мавзуида бўлиб ўтди. Ўзбекистон, Мальдив, Малайзия, Покистон, Фаластин, Таиланд, Қирғизистон, Тожикистон конституциявий назорат органлари раҳбарлари, шунингдек, ЕХҲТ ҳамда Африка конституциявий юрисдикциялари конференцияси вакиллари маъруза қилди. Иштирокчилар сунъий интеллект алгоритмларини суд тизимига жорий этишда қарор қабул қилиш ваколати фақат судьяга тегишли бўлиши шартлиги, алгоритмик холислик, шахсий маълумотлар дахлсизлиги ва процессуал кафолатларни таъминлаш зарурлигини бир овоздан таъкидлашди.



Тадбир доирасида минтақалараро ва ташкилотлараро алоқаларни мустаҳкамлашга қаратилган муҳим учрашувлар ўтказилди. Жумладан, Евроосиё конституциявий назорат органлари ассоциацияси вакиллари ҳамда Туркий дунё конституциявий юрисдикциялари конференциясининг ишчи йиғилишлари бўлиб ўтди. Унда глобал ва минтақавий таҳдидлар таъсири шароитида умумий ҳуқуқий ёндашувларни шакллантириш юзасидан келишиб олинди.

VII конгресснинг ёпилиш маросимида анжуманнинг якуний ҳужжати — Самарқанд декларацияси якдиллик билан қабул қилингани айтилди. Мазкур ҳужжат рақамлаштириш ва сунъий интеллект жадал ривожланаётган даврда инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини конституциявий даражада ҳимоялаш, судьялар мустақиллигининг процессуал ва технологик кафолатларини мустаҳкамлаш, Осиё ва дунёнинг бошқа минтақаларидаги конституциявий назорат органлари ўртасидаги ҳамкорликни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтаради.

Анжуман якунида хорижий делегациялар Самарқанднинг бой тарихий ва маданий мероси билан яқиндан танишдилар.

Абдулазиз ЙЎЛДОШЕВ («Халқ сўзи»).

Ҳукуматнинг тегишли қарори билан мамлакатимизда янги агротехнологиялар асосида пахта ва ғалла етиштириш кўникмасига эга агрономларни тайёрлаш ва «Устоз — шогирд» тизимлари жорий этилади.

Муносабат

ҚИЗҒИН МУҲОКАМАЛАР — САМАРАЛИ ҚОНУНЛАР АСОСИ

Олий Мажлис Сенати ялпи мажлисларида ҳар бир қонун муайян ижтимоий эҳтиёж, мавжуд муаммо ёки янги муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш зарурати туфайли муҳокама қилинади ва маъқулланади. Шу боис ушбу қонунларнинг мазмуни билан бирга, унинг қандай заруратдан келиб чиққани ва ҳаётда қандай ўзгаришларга сабаб бўлишига ҳам алоҳида урғу берилади.

Қуйида Сенатнинг 20-ялпи мажлиси биринчи кунида муҳокама қилинган қонунлар юзасидан сенаторларнинг фикрлари келтирилмоқда.

Инсон ҳаёти ва соғлиғи — энг олий қадрият

Қутбиддин БУРҲОНОВ,
Олий Мажлис Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси:



— Жиноятчиликка қарши курашишда инсон ҳаёти ва соғлиғига қарши қаратилган зўравонлик жиноятларининг олдини олиш алоҳида ўрин тутади. Чунки бундай қилмишлар нафақат жабрланувчининг ҳаётига, балки унинг оиласи, яқинлари ва бутун жамият осойишталигига ҳам жиддий путур етказади.

Статистик маълумотларга кўра, 2024 йилда 119 нафар, 2025 йилда 125 нафар шахс одам ўлимига олиб келган қасддан баданга оғир шикаст етказиш жиноятини содир этган. 2026 йилнинг дастлабки саккиз ойида эса мазкур кўрсаткич 78 нафарни ташкил қилган. Шу йиллар оралиғида 322 нафар шахс ўз баданига қасддан етказилган оғир шикастлар сабаб ҳаётдан кўз юмган.

Бундай жиноят оқибатида инсоннинг ҳаётдан кўз юмиши каби мудҳиш ҳолатлар мазкур қилмишларнинг ҳуқуқий баҳосини аниқлаштириш ва жавобгарлик механизмларини кучайтириш масаласини кун тартибига қўймоқда.

Олий Мажлис Сенатининг 20-ялпи мажлиси кун тартибига қўйилган “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига уюшган жиноятчилик ва жамоат тартибига қарши жиноятлар учун жавобгарликни янада кучайтиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонуннинг моҳияти ҳам уюшган жиноятчиликка қарши курашишнинг ҳуқуқий асосларини кенгайтириш, жиноий гуруҳларнинг молиявий манбаларини аниқлаш ва уларнинг фаолиятига кўмаклашувчи шахслар жавобгарлигини белгилаш билан боғлиқ.

Қонун билан Жиноят кодексига қўшилган янги 242[1]-моддада жиноий уюшма фаолиятини молиялаштирганлик ва жиноий уюшма ташкил этишга ёки унинг жиноятларини яширишга ҳокимият ёхуд мансаб ваколатларини суиистеъмол қилиш орқали ҳомийлик кўрсатганлик учун жавобгарлик белгиланмоқда.

Қонуннинг яна бир муҳим янгилиги — Жиноят кодексига 277[1]-модданинг ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга 191[1]-модданинг киритилиши. Уларда жанговар спорт турлари бўйича спорт мусобақаларини қонунга хилоф равишда ташкил этиш ёки ўтказиш учун жавобгарлик назарда тутиляпти. Бундай мусобақаларни қонун талабларига зид равишда уюштириш жамоат тартиби ва фуқаролар хавфсизлигига таҳдид туғдириши мумкин. Шу боис ушбу соҳадаги муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш ва қонунбузилишларнинг олдини олиш муҳим аҳамият касб этади.


Шу тоифадаги ҳуқуқбузарликларга оид ишларни жиноят ишлари бўйича судлар томонидан кўриб чиқиш тартиби ҳам назарда тутилмоқда.

Мазкур қонуннинг қабул қилиниши уюшган жиноятчиликка қарши курашишнинг ҳуқуқий асосларини кенгайтириш, жамоат тартибига қарши жиноятларнинг олдини олиш, инсон ҳаёти ва соғлиғини муҳофазалаш, шунингдек, фуқароларнинг хавфсиз яшаш ҳуқуқини таъминлашга хизмат қилади.

Қонунчиликдаги бундай янгиланишлар маҳаллаларда хавфсиз муҳитни шакллантириш, ёшларни ҳуқуқбузарликлардан асраш ва жамиятда қонунга ҳурмат туйғусини мустаҳкамлашга қаратилган кенг кўламли ислоҳотларнинг узвий давоми ҳисобланади.

Аҳоли саломатлиги ва истеъмолчилар ҳуқуқлари кафолати

Анвар ТЎЙЧИЕВ,
Олий Мажлис Сенатининг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитаси раиси:



— Озиқ-овқат хавфсизлиги — ҳар қандай давлатнинг ижтимоий-иқтисодий барқарорлиги, аҳоли саломатлиги ва фаровонлигини белгиловчи муҳим омиллардан бири. Хавфсиз озиқ-овқат маҳсулотлари аҳолининг саломатлигини таъминлаш, миллат генофондини сақлаш ҳамда мамлакатимиз экспорт салоҳиятини оширишда муҳим роль ўйнайди.

Мазкур соҳадаги қонунчилик ҳужжатларининг халқаро талаблар билан уйғунлаштирилиши уларнинг экспорт имкониятларини кенгайтириш, маҳсулотларни халқаро бозорларга чиқариш йўлида муҳим омил саналади.

Мажлисда маъқулланган “Озиқ-овқат маҳсулотининг хавфсизлиги тўғрисида”ги қонун соҳадаги муносабатларни халқаро талаблар асосида тартибга солиш, давлат органлари ваколатларини аниқ белгилаш ва тадбиркорлик субъектларининг масъулиятини оширишга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Қонунчиликдаги айрим бўшлиқлар, хусусан, ваколатли давлат органлари вазифаларининг аниқ белгиланмагани уларнинг функциялари такрорланишига ва тадбиркорлик субъектлари учун ортиқча маъмурий ноқулайликлар юзага келишига сабаб бўлаётган ҳамда шу туфайли озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи, муомалага киритувчи субъектларнинг хавфсиз маҳсулот етказиб бериш борасидаги мажбуриятлари ва масъулиятини янада аниқ белгилаш зарурати мавжуд эди.

Янги қонун билан ушбу масалаларга ҳуқуқий ечим берилади ва Озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги қўмитасининг мазкур соҳадаги ваколатли давлат органи сифатидаги мақоми мустаҳкамланиб, унинг ваколатлари кенгайтирилмоқда.

Яна бир муҳим жиҳат — озиқ-овқат маҳсулотлари чиқиндиларини камайтириш ва йўқотишларнинг олдини олишга қаратилган нормаларнинг киритилаётганидир. Бу ресурслардан оқилона фойдаланиш ва озиқ-овқат таъминоти барқарорлигини мустаҳкамлашга ҳисса қўшади.

Эътиборли томони, якуний маҳсулотни сертификатлаш орқали назорат қилиш тизими ўрнига озиқ-овқат бизнеси операторларини Ягона реестрга киритиш ва улар фаолиятини хавф даражасидан келиб чиқиб назорат қилиш механизми жорий этилмоқда. Бундай ёндашув давлат назоратининг манзиллилигини ошириш, тадбиркорлик субъектлари учун ортиқча тўсиқларни камайтириш ва мавжуд ресурсларни юқори хавфли йўналишларга қаратиш имконини беради.

Ушбу қонун аҳоли учун озиқ-овқат маҳсулотининг хавфсизлиги соҳасидаги барча қулай яшаш шароитларини яратишга, озиқ-овқат маҳсулоти истеъмоли билан боғлиқ турли касалланишларнинг олдини олишга ҳамда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифати ва рақобатбардошлигини оширишга хизмат қилади. Шу билан бирга, озиқ-овқат маҳсулоти хавфсизлигини таъминлашнинг барча босқичлари қамраб олинади.

Ҳақиқатнинг ҳимояси халқ учундир

Маҳмуджон ТОИРОВ,
Олий Мажлис Сенати аъзоси:



— Бугунги кунда мамлакатимизда инсон қадрини улуғлаш, унинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бирига айланган. Янги таҳрирдаги Конституциямизда мустаҳкамланган инсон ҳуқуқлари устуворлигига оид тамойиллар эса жамиятимиз ҳаётида ўз ифодасини топмоқда.

“Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги қонун ушбу суд фаолиятини ташкил этиш билан бир қаторда, конституциявий суд ишларини юритиш тартибини аниқлаштиришга қаратилганлиги билан аҳамиятли.

Давлатимиз раҳбарининг бугун Янги Ўзбекистонимизда юритаётган миллатпарвар, халқпарвар, одил сиёсатини қонунлар “тили”да, қонуний асосда маҳаллий Кенгашларга, элу юртимизга етказишда Олий Мажлис Сенати аъзоларининг ҳам муносиб ўрни бор. Бу барча хайрли ишларимиз аслида, бизнинг кундалик вазифамиз, Ватан олдидаги олий бурчимиз. Айтмоқчи бўлган фикрим шуки, бугун маъқуллаётганимиз — қонунни халқимиз розилиги, оғирини енгил қилиш ва албатта, инсон қадрини улуғлаш йўлидаги яна бир хайрли, амалий одим, улуғ мақсадлар сари қўйилган қутлуғ қадам, десак, ўйлайманки, тўғри бўлади.

Шу ўринда қонуннинг биргина жиҳати, яъни ҳудудларда яшовчи аҳолимиз ва тадбиркорларимиз учун яратаётган амалий енгилликлари ҳақида айтмоқчиман.

Сир эмаски, илгари чекка вилоятларда яшайдиган фуқаро ёки тадбиркорлар ўз конституциявий ҳуқуқини ҳимоя қилиш учун Тошкент шаҳрига, Конституциявий судга келиб-кетишга мажбур бўлар ва бу улар учун ортиқча вақт, йўл ва харажатларни келтириб чиқарар эди.

Ушбу қонун билан юқоридаги каби муаммолар ўз ечимини топиб, оворагарчиликларга барҳам бериладиган бўлди. Эндиликда юртдошларимиз ахборот тизимлари орқали ўз уйидан чиқмасдан мурожаат юбориши, аризасининг ҳаракатини кузатиши ва суд мажлисида видеоконференцалоқа ёки мобиль илова орқали иштирок этиши мумкин бўлади.

Бундан ташқари, мурожаатдаги жузъий хатоликларни дастлабки босқичдаёқ кўриб чиқиб, аризачига кўмаклашиш тартиби белгиланаётгани эса бюрократияни кескин камайтириб, ҳудудлардаги минглаб фуқароларимиз ва тадбиркорларимизга катта қулайликлар яратади, деб ҳисоблайман.

«Халқ сўзи».

АҲОЛИ МАНФААТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШГА ҚАРАТИЛГАН ОЧИҚ МУЛОҚОТЛАР

1

Учрашувда Президентимизнинг мамлакатимиз мустақиллигининг 35 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида илгари сурилган 7 та миллий дастурнинг мазмун-моҳияти, уларнинг ҳудудлардаги ижроси ва белгиланган вазифалар муҳокама қилинди.

Наримон УМАРОВ,
депутат:



— Биз ҳар томонлама ривожланган янги Ўзбекистонни барпо этишга киришган эканмиз, бунда Президентимиз илгари сурган миллий дастурнинг ҳар бир йўналиши катта аҳамиятга эга. Зеро, миллий юксалиш ўз-ўзидан ёки осонлик билан содир бўладиган жараён эмас. Бу ҳар биримиздан ижтимоий фаолликни, фидокорона меҳнатни, Ватанимиз равнақи учун ҳамжиҳатликда яшашимизни тақозо этади.

Депутат туманнинг “Оқтош” МФЙ ҳудудида жойлашган оилавий шифокорлик пункти фаолияти билан ҳам танишди. Аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифати, муассасанинг моддий-техника базаси ва тиббий хизматни янада такомиллаштириш билан боғлиқ масалаларга эътибор қаратилди. Мавжуд муаммолар юзасидан масъуллар билан мулоқот қилиниб, уларни ҳал этиш чоралари изланди.

Фахрий педагог билан суҳбат

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Мавлуда Адҳамжонова Андижон туманидаги “Гумбаз” маҳалла фуқаролар йиғинида аҳоли билан учрашиб, ҳудуддаги долзарб масалаларни жойида ўрганди. Мулоқотлар давомида фуқароларнинг мурожаатлари, ижтимоий инфратузилма ҳолати ва аҳолини қийнаётган муаммоларга ечим топиш масалаларига эътибор қаратилди.

Депутат ушбу маҳаллада яшовчи фахрий педагог Одинахон Юсупованинг хонадонида ҳам бўлиб, самимий суҳбат қилди. Мулоқот давомида устознинг кўп йиллик меҳнати, ёш авлодга таълим-тарбия беришдек шарафли вазифага қўшган ҳиссасига ҳурмат билдирилди.

Президентимизнинг соҳа вакилларига йўллаган байрам табригида устоз ва мураббийларга нисбатан билдирилган юксак эътироф, таълим соҳаси вакилларининг жамият тараққиёти, ёшларнинг билимли ва маънавиятли инсонлар бўлиб камол топишидаги беқиёс ўрни хусусида фикрлашилди.

Шунингдек, “Ташаббусли бюджет” лойиҳаси доирасида йўл таъмири учун маблағ ажратилган кўчаларнинг ҳолати жойида кўздан кечирилди. Хусусан, Зиё, Зилол, Шодиёна ва Мусаффо кўчаларидаги таъмирлаш ишларининг бориши, мавжуд муаммолар ва аҳоли учун қулай ҳамда хавфсиз ҳаракатланиш шароитларини яратиш масалалари ўрганилди.

Фуқаролар С. Муллажонова ва Г. Ҳайдарова билан мулоқотда уларнинг таклиф ва мулоҳазалари тингланиб, йўл инфратузилмасини яхшилашга доир масалалар муҳокама қилинди.

Шу билан бирга, депутат Шодиёна кўчаси, 6-уйда яшовчи, II гуруҳ ногиронлиги бўлган фуқаро Н. Исаевнинг хонадонида бўлиб, унинг мурожаати ва ижтимоий эҳтиёжларини ўрганди. Масъуллар билан учрашувда фуқаронинг муаммоларини ҳал этиш юзасидан тегишли чораларни кўриш масалалари муҳокама қилинди.

Мавлуда АДҲАМЖОНОВА,
депутат:



— Ўрганишлар давомида маҳаллаларда йўл инфратузилмасини яхшилаш, эҳтиёжманд фуқароларни қўллаб-қувватлаш масалалари доимий эътиборимизда бўлди. Зотан, амалга оширилаётган ҳар бир иш, имзоланаётган ҳар бир қарор одамларнинг кундалик ҳаётида ижобий ўзгаришларга хизмат қилиши лозим. Энг муҳими, бу саъй-ҳаракатлар маҳаллаларда аҳоли учун муносиб турмуш шароитларини яратиш ва одамларнинг эртанги кунга бўлган ишончини мустаҳкамлашга қаратилган.

Қонуннинг мазмун-моҳияти тушунтирилди

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Раъно Астанақулова Термиз шаҳридаги Тинчлик маҳалласида маҳаллий Кенгаш депутатлари билан ҳамкорликда сайёр қабул ўтказди. Унда маҳалла фаоллари, нуронийлар, хотин-қизлар ва ёшлар иштирок этиб, ўзларини қийнаб келаётган муаммо ва масалалар ҳақида очиқ фикр билдиришди.

Мурожаатларнинг бир қисми шу ернинг ўзида кўриб чиқилиб, уларнинг амалий ечимини топиш чоралари кўрилди. Шунингдек, эҳтиёжманд ва кўмакка муҳтож фуқароларга моддий ҳамда маънавий ёрдам кўрсатилди.

Сайёр қабулда аҳоли мурожаатларини эътиборсиз қолдирмаслик, ҳар бир масалага индивидуал ёндашиш ва амалий ечим топиш муҳимлиги таъкидланди.

Депутат, шунингдек, Қонунчилик палатасининг фаолияти, қонун ижодкорлиги, парламент назорати йўналишларида амалга оширилган ишлар ҳақида ҳам сайловчиларга атрофлича маълумот берди. Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлашга қаратилган муҳим қонунлар қабул қилинаётгани, жумладан, болаларни зўравонликнинг барча шаклларидан ҳимоя этиш тизимини такомиллаштиришга қаратилган қонуннинг мазмун-моҳияти ҳақида ҳам сўзлаб берди.

Раъно АСТАНАҚУЛОВА,
депутат:



— Болани ҳимоя қилиш келажакни муҳофаза этишдир. Ҳар бир бола меҳр, эътибор ва хавфсиз ҳаётга ҳақли. Болаларга нисбатан зўравонликка жамиятда мутлақо ўрин бўлмаслиги керак. Учрашувлар давомида ушбу масалаларга қаратилган ҳужжат фуқароларимиз томонидан қўллаб-қувватланди. Бу бежиз эмас. Чунки мазкур қонун болаларнинг ҳаёти, соғлиғи, шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш, зўравонликнинг олдини олиш, жабрланган болаларнинг ҳуқуқларини тиклашга ҳисса қўшади. Зеро, жамиятда бундай қилмишларга нисбатан жазо муқаррар.

Миллий юксалишнинг асоси — таълим

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Муҳаммад Валиев Данғара туманидаги 22-умумий ўрта таълим мактаби фаолияти билан танишиб, ўқувчилар учун яратилган шароитлар ва таълим муассасасининг имкониятларини ўрганди.

Маълум қилинганидек, мазкур мактаб учун 9,4 млрд. сўм маблағ ажратилган, 840 ўринли янги бино қурилиб, фойдаланишга топширилган. Бу ҳудудда таълим инфратузилмасини яхшилаш, ўқувчиларнинг замонавий шароитларда билим олиши ва педагогларнинг самарали фаолият юритиши учун имкониятларни кенгайтиради.

Янги мактаб биносида инклюзив таълимга ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Хусусан, махсус хоналар ташкил этилиб, пандус ва лифтлар ўрнатилган. Бу алоҳида таълим эҳтиёжи бўлган болаларнинг билим олиши учун қулай муҳит яратиш, уларнинг тенг имкониятлардан фойдаланишини таъминлашга хизмат қилади.

Айни пайтда мактабни зарур анжомлар билан жиҳозлаш давом этмоқда. Ўрганишда мазкур ишларни тўлиқ якунлаш, мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш ва ўқувчилар учун янада қулай таълим муҳитини шакллантириш масалаларига эътибор қаратилди.

Муҳаммад ВАЛИЕВ,
депутат:



— Президентимизнинг мамлакатимиз ўқитувчи ва мураббийларига йўллаган байрам табригида миллий юксалишнинг асоси таълим эканига урғу берилгани бежиз эмас. 22-умумтаълим мактабида яратилган шароитлар, албатта, эътиборга молик. Шу билан бирга, таълим муассасасини зарур жиҳозлар билан тўлиқ таъминлаш, ўқувчилар учун имкониятларни янада кенгайтириш масалаларини эътибордан четда қолдирмаслик керак. Зеро, ҳар бир боланинг сифатли таълим олиши ва ўз салоҳиятини рўёбга чиқариши учун муносиб шароит яратилиши барчамиз учун бирдек муҳим.

Қурилиш ишларида сифат — муҳим мезон

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Азамат Пардаев Самарқанд вилоятининг Жомбой туманида бўлиб, сайловчилар билан очиқ мулоқот қилмоқда, уларни ўйлантираётган масалаларни ҳал этиш чораларини кўрмоқда.

Учрашувлар давомида ҳудудда амалга оширилаётган лойиҳалар доирасидаги қурилиш ишларининг бориши билан танишиб, аҳоли учун муҳим бўлган масалалар жойига чиққан ҳолда ўрганилди.

Депутат дастлаб Эски Жомбой маҳалласида амалга оширилаётган қурилиш ишлари билан танишди. Мазкур маҳалла оғир ҳудуд сифатида белгиланган бўлиб, уни комплекс ривожлантириш мақсадида 5 млрд. сўм маблағ ажратилган.

Очиқ мулоқотлар чоғида қурилиш ишларининг бориши, уларнинг сифатли бажарилиши юзасидан масъуллар билан фикр алмашилди. Уларни ўз вақтида ва сифатли топшириш бўйича мутасаддиларга тегишли тавсиялар берилди.

Ўрганиш жараёнида тумандаги 28-умумий ўрта таълим мактабида ўқувчилар хавфсизлиги масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Муассасанинг ички ҳудудида жойлашган электр устунлари болалар учун хавф туғдириши мумкин. Ушбу масала электр таъминоти масъуллари билан жойида муҳокама қилиниб, устунларни кўчириш ва зарур техник чораларни кўриш бўйича келишиб олинди.

Азамат ПАРДАЕВ,
депутат:



— Ўрганишлар давомида тумандаги Найман маҳалласида бўлиб, 20-поликлиника лойиҳаси билан танишдик. Янги бинонинг аҳоли учун қанчалик қулай бўлишига эътибор қаратдик. Қурувчилар билан мулоқотда бинода аҳолига зарур шароит яратиш, замонавий тиббий хизмат кўрсатиш талабларини инобатга олиш ҳамда мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш бўйича тавсияларимизни бердик.

Фуқаролар мурожаатлари ҳал қилинди

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Гулжан Халмуратова Қорақалпоғистон Республикасининг Кўнғирот туманидаги Қорақалпоғистон посёлкасида бўлди. Учрашув давомида ҳудудда сув таъминоти масаласи бўйича мурожаат жойига чиқиб ўрганилди ва тегишли ташкилотлар билан биргаликда ижобий ҳал этишга қаратилган зарур чоралар кўрилди. Натижада мазкур масала Олий Мажлис ҳузуридаги Фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондининг Қорақалпоғистон бўлими томонидан грант лойиҳасига киритилиб, томорқа ерларини суғориш учун артезиан қудуқ қазиб беришга зарур маблағ ажратилди.

Бугунги кунда бу маблағлар ҳисобидан аҳолининг томорқадан самарали фойдаланиши ва бандлигини таъминлашга қаратилган лойиҳа амалга оширилмоқда. Унинг доирасида 36 та хонадон учун 12 та артезиан қудуғи қазилиб, замонавий сув насослари ўрнатилиши кўзда тутилган.

Гулжан ХАЛМУРАТОВА,
депутат:



— Мазкур лойиҳа доирасида кўплаб ёшлар ва хотин-қизларнинг бандлиги таъминланиб, улар учун барқарор ва муносиб даромад манбалари яратилади. Энг муҳими, бундай имкониятлар аҳоли фаровонлигини ошириш, шунингдек, маҳалланинг ижтимоий-иқтисодий ривожига муносиб ҳисса қўшади.

«Ташаббусли бюджет» лойиҳаси доирасидаги ишлар билан танишилди

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Севара Убайдуллаева Мирзо Улуғбек туманидаги 112-умумий ўрта таълим мактабида бўлди. Ўрганиш давомида мактаб жамоаси билан очиқ мулоқот ташкил этилиб, таълим соҳасидаги ислоҳотлар, педагогларнинг касбий фаолиятини қўллаб-қувватлаш, улар учун яратилаётган имкониятлар ва мавжуд масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Шунингдек, депутат танлови асосида ғолиб деб топилган “Ташаббусли бюджет” лойиҳаси доирасида мактабда амалга оширилаётган ишлар билан яқиндан танишилди. Шароитлар кўздан кечирилиб, таълим муассасасининг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш, ўқувчилар учун муносиб таълим муҳитини яратиш борасидаги ишларга эътибор қаратилди.

Учрашувда Ўқитувчи ва мураббийлар куни олдидан Президентимиз томонидан устоз ва мураббийлар билан учрашувда билдирилган ташаббуслар, белгиланган имтиёзлар ҳамда соҳани янада ривожлантиришга қаратилган вазифаларнинг мазмун-моҳияти педагоглар жамоасига етказилди.

Севара УБАЙДУЛЛАЕВА,
депутат:



— Мулоқот жараёнида педагогларнинг таклиф ва ташаббуслари ҳам тингланиб, уларни қўллаб-қувватлаш, таълим сифатини ошириш ва мактабларда янада қулай шароитлар яратиш масалалари юзасидан фикр алмашдик. Билдирилган таклиф ва мулоҳазаларни инобатга олган ҳолда, педагогларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини янада мустаҳкамлаш борасида тегишли чораларни кўришни ўз фаолиятимизнинг муҳим йўналишларидан бири сифатида белгилаб олдик.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларининг ҳудудлардаги учрашувлари давом этмоқда.

«Халқ сўзи».

Шу йил 1 октябрдан фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар асосида фаолиятни амалга оширувчилар ўзини ўзи банд қилган шахслар учун белгиланган миқдордаги ижтимоий солиқ тўлаганда, уларга бир йил иш стажи автоматик ҳисобланади.

Халқ сўзи
www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz
2026 йил 3 октябрь

ИНСОН ҚАДР-ҚИММАТИ, ТЕНГЛИК ВА БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДА ГЛОБАЛ ШЕРИКЛИК



1 Форумнинг биринчи куни Тошкентда бўлиб ўтди. Тантанали очилиш маросимида сўзга чиққан **Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори Акмал Саидов** инсоният ўта мураккаб глобал чақириқларга дуч келаётган, хусусан, сунъий интеллект ҳамда янги рақамли технологияларнинг жадал ривожланиши улкан имкониятлар билан бир қаторда янги ҳуқуқий ва ахлоқий хавфларни келтириб чиқараётган бугунги кунда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг универсал тизимини янада такомиллаштириш энг долзарб вазифалардан бири бўлиб қолаётганини, Самарқанд форуми дастури айнан шунга қаратилганини таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева форум иштирокчиларини қутлар экан, Ўзбекистон Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги иккала халқаро пакт ҳамда Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги пактнинг Биринчи факультатив протоколи қоидаларини 1995 йилда ратификация қилганини таъкидлади. “Ушанда бу ўзининг мустақил янгиланиш ва тараққиёт йўлини эндигина бошлаган мамлакатнинг қарори эди. Бугун, мустақиллигимизнинг 35 йиллигида, биз сизни инсон ҳуқуқлари нафақат ташқи мажбурият, балки ички эътиқодга айланган мамлакат сифатида кутиб олмоқдамиз”, деди юқори палата раҳбари.

Шунингдек, Танзила Норбоева ўз сўзида инсон ҳуқуқларини таъминлаш борасида парламентларнинг ролига алоҳида тўхталиб, инсон ҳуқуқлари айнан парламентда қонун кучига, бюджет ресурслари, назорат кафолати ва халқ овозига эга бўлишини таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери Нуриддин Исмоилов ўз табригида Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш, шунингдек, унинг шаъни ва қадр-қимматини юксалтириш масалалари Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларда марказий ўринни эгаллаб, давлат сиёсатининг устувор мақсадига айланганини, давлат раҳбарининг бевосита ташаббуси билан инсон ҳуқуқларининг конституциявий кафолатлари янада мустаҳкамланганини қайд этди.

БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари Фолькер Тюркнинг мурожаатида Самарқанд форумининг давлатлар, халқаро ва минтақавий ташкилотлар, инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар, фуқаролик жамияти ва экспертлар ҳамжамияти ўртасидаги мулоқот учун халқаро майдон сифатидаги аҳамияти урғуланди. Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари қамраб олинган ислоҳотларга алоҳида эътибор қаратилди. “Ўзбекистон муҳим ислоҳотларни амалга ошириш мумкинлигини намойиш қилди. Ҳозирги босқичдаги вазифа — натижаларни мустаҳкамлаш, сақланиб қолаётган камчиликларни бартараф этиш ва эришилган тараққиёт барча томонидан ҳис қилинишини таъминлашдир”, деди у.

Шу билан бир қаторда, мамлакатимизнинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги сезиларли ютуқлари эътироф этилди. Хусусан, сиёсий ирода, мустақил мониторинг ҳамда давлат, ишчилар, иш берувчилар, Халқаро меҳнат ташкилоти ва фуқаролик жамиятининг ҳамкорлиги натижасида пахтачиликда тизимли мажбурий ва болалар меҳнатига барҳам берилгани ижобий баҳоланди. Шунингдек, Ўзбекистоннинг фуқаросизликнинг олдини олиш, гендер тенглик ва хотин-қизларни зўравонликдан ҳимоя қилиш, ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини таъминлаш, БМТнинг халқаро инсон ҳуқуқлари механизмлари билан ҳамкорликни кенгайтириш борасидаги қадамлари алоҳида қайд этилди.

Халқаро Қизил хоч қўмитаси президенти Мириана Сполярич форум иштирокчиларига йўллаган қутловида халқаро гуманитар меъёрлар қуруқ қоидалар бўлиб қолмаслиги, балки энг заиф ҳолатдаги одамларнинг ҳақиқий ҳимоясини таъминлаши зарурлигини таъкидлади. Халқаро мажбуриятларни самарали амалга ошириш эса сиёсий етакчилик, кучли миллий институтлар, халқаро ҳамкорлик ва изчил амалий ҳаракатларни талаб этиши айтилди.

Инсон ҳуқуқлари, тараққиёт ва саломатлик ҳуқуқи узвий боғлиқ — бу ҳақда **Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти бош директори Тедрос Адханом Гебрейесус** форум иштирокчиларига йўллаган видеомурожаатида тўхталиб ўтди. У Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти Низоми қабул қилинганининг 80 йиллигига ва унда саломатлик инсон ҳуқуқи сифатида мустаҳкамланганига алоҳида эътибор қаратди. ЖССТ бош директори халқаро мажбуриятларни марказида инсон қадри ва тенглик тамойиллари турадиган қонунчилик, давлат сиёсати ва самарали тизимлар орқали амалиётга татбиқ этиш зарурлигини таъкидлади.

БМТнинг Ўзбекистондаги доимий координатори Сабина Маҳл ҳам ўзининг қутловида бу масалага тўхталиб ўтди. Унинг сўзларига кўра, инсон ҳуқуқлари, пировардида халқаро стандартлар маҳаллий даражада — туман касалхонаси, мактаб, суд, ижтимоий хизматлар маркази ва маҳалла ишида ўз аксини топгандагина рўёбга чиқади. “Биз учун мажбуриятлардан амалиётга ўтишнинг ҳақиқий маъноси шудир: халқаро стандартлардан — миллий қонунларга; миллий қонунлардан — фаолият юритувчи институтларга; институтлардан — янада сифатли хизматларга; янада сифатли хизматлардан — инсонлар ҳаётидаги дахлдор ўзгаришларга ўтишдир”, деди у. Сабина Маҳл БМТ амалга ошириладиган ислоҳотлар нафақат қонунчилик даражасида қабул қилиниши, балки уларнинг “худудма-худуд, туманма-туман ва ҳамжамиятма-ҳамжамият” изчил ҳаётга татбиқ этилишини, бунда тегишли жараёнларда аҳолининг фаол қатнашишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон билан ҳамкорликни давом эттиришга тайёрлигини таъкидлади.

ШҲТ бош котиби Нурлан Ермекбаевнинг форум иштирокчиларига йўллаган видеомурожаатида бугуни кунда БМТ Низомининг мақсад ва тамойилларига ҳамда халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган нормаларига содиқликни сақлаш, халқларнинг ўз тараққиёт йўлини мустақил белгилаш ҳуқуқини ҳурмат қилиш, инсон ҳуқуқлари бўйича тенг ҳуқуқли мулоқот ва тажриба алмашишни ривожлантириш, айниқса, муҳим экани таъкидланди.

“2026 йил 1 сентябрь куни Бишкек шаҳрида ШҲТга аъзо давлатлар раҳбарлари кенгашининг 26-мажлиси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ШҲТ мамлакатларининг улкан инсоний, табиий, ишлаб чиқариш ва интеллектуал ресурсларини, энг аввало, халқларимиз фаровонлигини оширишга йўналтириш зарурлигини таъкидлади. Ушбу ёндашувни ривожлантириш мақсадида “ШҲТ — 2040: умумий тараққиёт макони” концептуал қарашини ишлаб чиқишга киришишни таклиф қилди. Одамлар фаровонлигига қаратилган бундай эътибор жорий форум мавзусига ҳамоҳангдир”, деди ШҲТ бош котиби.

Форумнинг халқаро қисмида **МДҲ Бош котиби Сергей Лебедев**нинг нутқи ўқиб эшиттирилди. Унда Самарқанд форуми МДҲ давлатлари ўртасидаги кўп томонлама ҳамкорликнинг амалий давоми ҳамда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, ривожланиш ҳуқуқини рўёбга чиқариш ва замонавий хавф-хатарларга жавоб бериш борасидаги саъй-ҳаракатларни бирлаштириш майдони экани таъкидланди.

ЕХҲТнинг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси директори Мариа Телалиан ўз мурожаатида инсон ҳуқуқларининг самарали ҳимоясини таъминлашда кучли ва мустақил миллий ҳуқуқни муҳофаза этувчи муассасаларнинг аҳамиятини ҳамда жамиятнинг бундай институтларга ишончи муҳимлигини таъкидлади. Унинг фикрича, “Ишончни фақат декларациялар билан сақлаб қолиб бўлмайди. У одамлар ишониши мумкин бўлган институтлар, ҳуқуқлар бузилган ҳоллардаги ҳисобдорлик, фуқаролар ва давлат органлари ўртасидаги мулоқот ҳамда аввало, инсон ҳуқуқлари стандартларини одамларнинг кундалик ҳаётида изчил қўллаш орқали шаклланади”.

Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро пактларнинг 60 йиллигини эътироф этар экан, Мариа Телалиан ушбу ҳужжатларнинг қабул қилиниши давлатлар халқаро ҳамкорлик — универсал стандартларни ишлаб чиқиш ва уларга риоя этиш мажбуриятини олиш орқали нималарга эришиши мумкинлигига яққол мисол бўлганини таъкидлади.

Ўз навбатида, **Туркия Инсон ҳуқуқлари ва тенглик институти раиси Васип Шаҳин** қайд этганидек, миллий инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш муассасалари давлат органлари, фуқаролик жамияти, ҳуқуқ эгалари ва халқаро ташкилотлар ўртасида боғловчи вазифани бажаришга қодир. Хусусан, институт БМТнинг Қийноқларга қарши конвенциясига доир Факультатив баённомага мувофиқ Миллий превентив механизм вазифасини бажаради, жумладан, озодликдан маҳрум этилган ёки ҳимоя остида бўлган шахслар сақланадиган жойларга бориш, шароитларни мониторинг қилиш ва тегишли тавсиялар тайёрлашни амалга оширади. “Инсон ҳуқуқлари ҳимоясининг барқарор тизими халқаро мажбуриятлар ҳамда уларни миллий ва маҳаллий даражада амалга ошириш ўртасидаги мустаҳкам ва доимий алоқани таъминлаши зарур”, дея таъкидлади нотиқ.

Миллий мониторинг қийноқларнинг олдини олишни доимий ва барқарор амалиётга айлантириш имконини беради. Бу ҳақда ўзининг видеомурожаатида **БМТ Қийноқларнинг олдини олиш бўйича кичик қўмитаси раисининг ўринбосари Элина Штейнерте** маълум қилди. “Қийноқларнинг олдини олиш бир марталик чораларни эмас, балки вазиятга халқаро эътибор сусайганидан кейин ҳам одамларни ҳимоя қилишни таъминлайдиган доимий миллий мониторингни талаб этади”, деди у.

ЕХҲТнинг Миллий озчиликлар ишлари бўйича Олий комиссари Кристоф Камп ўз нутқида Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро пактларнинг 60 йиллиги ва Ривожланиш ҳуқуқи тўғрисидаги декларациянинг 40 йиллиги доирасида миллий озчиликлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг аҳамиятини таъкидлади. У тенглик, инсон ҳуқуқларининг бўлинмаслиги ва инклюзив ривожланиш ўртасидаги боғлиқликка алоҳида эътибор қаратиб, маданий ва тилнинг ўзига хослигини ҳимоялаш таълим, бандлик, соғлиқни сақлаш ҳамда ижтимоий-иқтисодий ҳаётда иштирок этишда тенг имкониятларни таъминлаш билан бирга кечиши кераклигини таъкидлади.

Нутқда кўп тилли ва кўп маданиятли таълим масаласи муҳим ўрин эгаллади. Олий комиссар ЕХҲТнинг Марказий Осиё давлатлари билан ушбу йўналишдаги кўп йиллик фаолиятини қайд этиб, она тилини давлат тили билан бир вақтда ўрганиш имконияти турли жамоалар вакилларининг ижтимоий ва иқтисодий ҳаётда тўлақонли иштирок этишига хизмат қилишини таъкидлади.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Самарқанд форуми ўз-ўзидан тарих яратмоқда. Ушбу фикр **Халқаро меҳнат ташкилотининг Ўзбекистон бўйича катта координатори Юрий Стерк** томонидан билдирилди. “Бу форумнинг бешинчи анжумани бўлиб, у инсон ҳуқуқлари бўйича минтақавий ва глобал ҳамкорликка катта ҳисса қўшади, энг муҳим муаммоларни ёритиб беради ва ҳамкорликни янада чуқурлаштириш ҳамда инсон ҳуқуқлари тизимини миллий, минтақавий ва глобал микёсда ривожлантириш имкониятларини муҳокама қилади”, деди у.

Ривожланиш ҳуқуқи инсонни, унинг қадр-қимматини, ҳуқуқларини, танлаш имкониятларини ва ўз келажагини шакллантиришда иштирок этиш қобилиятини марказий ўринга қўйиши лозим. Бу фикрни **ЮНФПАнинг Шарқий Европа ва Марказий Осиё бўйича минтақавий директори ўринбосари Клаус Бек** ўз нутқида таъкидлади. Нутқда демографик барқарорлик концепцияси муҳим ўрин эгаллади. У давлатларнинг демографик ўзгаришларга ўз вақтида муносабат билдириш, шу билан бирга, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва аҳолининг турли гуруҳлари учун имкониятларни кенгайтириш қобилиятини назарда тутади. “Инсон қадр-қиммати тараққиётнинг қўшимча натижаси бўлмаслиги, балки унинг мақсади ва мезонига айланиши керак”, дея таъкидлади эксперт.

Дастурга мувофиқ, форумнинг биринчи куни Тошкентда 2 та ялпи мажлис ва 7 та параллел сессия бўлиб ўтди. Самарқанддаги иккинчи куннинг асосий воқеаси — **“Самарқанд тасаввури — 2040: инсон қадр-қиммати, тенглик ва барқарор тараққиёт йўлидаги глобал ҳамкорлик”** номли якуний ҳужжатни муҳокама этиш ва қабул қилишга бағишланган ялпи мажлис бўлди.

Бешинчи Самарқанд форумида билдирилган фикрлар, таклиф ва тавсиялар, шунингдек, унда қабул қилинган якуний ҳужжатнинг умумий мақсад ва вазифалари инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга ҳисса қўшади. Форум иштирокчилари инсон ҳуқуқлари борасидаги “Самарқанд руҳи” — очиқ мулоқот, ўзаро ҳурмат, бирдамлик, тажриба алмашиш ва умумий ечимларни биргаликда излаш бундан буён ҳам халқаро ҳамкорликнинг асосий мезони бўлиб қолишини таъкидлашди.

«Халқ сўзи».

ШАРАФЛИ МЕҲНАТГА МУНОСИБ РАҒБАТ

Президентимизнинг “Ўқитувчи ва мураббийлар куни муносабати билан таълим-тарбия тизимида алоҳида ўрнак кўрсатган ходимлардан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида”ги Фармони ҳамда Ўзбекистон ўқитувчи ва мураббийларига йўллаган байрам табриги ҳаётини ёш авлод тарбияси ҳамда камолига бағишлаган фидойи инсонлар меҳнатининг юқори эътирофи бўлди.

Дил сўзи

Қуйида юксак мукофотларга сазовор бўлган соҳа вакилларининг дил сўзларини эътиборингизга ҳавола этамиз.

Абдуҳалим МЕЛИЕВ,
Самарқанд шаҳридаги «Нурли маскан» ихтисослаштирилган 59-мактаб-интернати директори, «Фидокорона хизматлари учун» ордени соҳиби:



— Қарийб 60 йиллик тарихга эга даргоҳимиз доимо давлатимизнинг эътиборида. Айниқса, Президентимизнинг 2022 йилда мактаб-интернатимизга ташрифи жамоамизга янги куч, кўтаринки кайфият бағишлади.

Бугун “Инсон қадри учун” деган эзгу ғоянинг ҳаётий аксини айнан шу даргоҳда таълим ва тарбия олаётган болаларнинг ҳаётидаги ўзгаришлар мисолида яққол кўриш мумкин. Давлатимиз раҳбарининг кўрсатмаси асосида мактабимиз республикада кўзи ожиз ўқувчиларга ихтисослаштирилган таълим муассасалари учун таянч мактаб-интернатига айлантирилди. Зарур шарт-шароитлар яратилгани эса болаларнинг ҳаётга дадил қадам ташлаши, орзу-мақсадлар сари интилиши учун катта куч берди.

Буни қўлга киритаётган ютуқларимиз ҳам тасдиқлайди. Жумладан, кўплаб ўқувчиларимиз республика фан олимпиадаларида юқори ўринларга сазовор бўлмоқда. Олий таълим муассасаларида давлат гранти асосида таҳсил олмоқда. Бу — биз, устозлар учун энг катта бахт.

2020 йилда ҳаётий тажрибаларимизга асосланган “Кўзи ожиз ўқувчиларни ўқитишда алоҳида ёндашув” номли ўқув қўлланма, 2021 йилда эса “Қуёшга тик қараганлар” номли илмий-публицистик мақолалар тўпламини нашр эттирдим. Унда кўзи ожиз инсонларнинг ўй-фикрлари, кечинмалари, орзу-умидлари ҳақида ҳикоя қилинади.

Камтарона меҳнатимиз давлатимиз раҳбарининг эътиборига тушиб, “Фидокорона хизматлари учун” ордени билан тақдирланганим жамоамиз учун катта масъулият бағишлайди. Бу ишончни оқлаш — болаларимизга муносиб таълим ва тарбия беришга бундан кейин ҳам бор салоҳиятимизни бағишлаймиз.

Шаҳноза КАТТАЕВА,
Навоий шаҳридаги 18-умумий ўрта таълим мактабининг инглиз тили фани ўқитувчиси, «Шуҳрат» медали соҳиби:



— Президентимизнинг Ўзбекистон ўқитувчи ва мураббийларига йўллаган байрам табригида таълим тизимидаги ислоҳотлар янги босқичда давом этиши таъкидланди. Ва албатта, бу таклиф ва ташаббуслар биз, педагоглар учун янги уфқлар очади.

Хорижий тилларни пухта билиш — инсон учун катта имконият дегани. Айниқса, ёш авлоднинг чет тилларини эрта ёшдан ўрганиши унинг дунёқараши, фикрлаш доираси ва билим олиш имкониятларини кенгайтиради. Шу маънода, мамлакатимизда хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш, таълим сифатини ошириш, бу йўналишда меҳнат қилаётган педагог ва ёшларни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилаётгани биз, ўқитувчиларга катта масъулият юклайди.

Халқаро тил сертификатларига эга ёшларни рағбатлантириш, уларнинг имтиҳон харажатларини қоплаш, юқори даражадаги сертификатга эга абитуриентларга олий таълимга киришда қўшимча имкониятлар яратиш каби чора-тадбирлар ўқувчиларни тил ўрганишга янада қизиқтирмоқда.

Биз ҳам “Хорижий тилларни ўқитиш бўйича энг яхши мактаб” танловида фаол қатнашиб, шаҳар ва вилоят босқичларида биринчи ўринни қўлга киритдик, мамлакат босқичида иккинчи ўринни эгалладик. Бу ютуқ эса педагогик жамоамизнинг биргаликдаги меҳнати самарасидир.

Шу маънода, давлатимизнинг юксак мукофоти — “Шуҳрат” медалига муносиб кўрилганимни мактабимизда чет тилларини ўқитиш борасида олиб борилаётган ишларга берилган баҳо сифатида қабул қилдим. Бугун бизга билдирилаётган ишонч ва эътибор истиқбол сари янада дадил интилишимизга куч беради.

«Халқ сўзи».

ДУНЁ ҲАФТА ИЧИДА

ОВҚАТНИНГ ҲАМ УВОЛИ БОР

Ортиқча ишлаб чиқариш, исрофгарчилик ёки рационни нотўғри режалаштириш оқибатида дунё бўйлаб ҳар куни тахминан 1 млрд. порция озиқ-овқат истеъмол қилинмасдан чиқитга чиқмоқда.

БМТнинг билдиришича, бундай чиқиндиларнинг 60 фоизи уй хўжаликлари ҳиссасига тўғри келади. Бу ҳолат табиат учун ҳам жиддий муаммо туғдирмоқда. БМТ Атроф-муҳит дастури вакили Майкл Муратанинг айтишича, озиқ-овқат чиқиндилари глобал “иссиқхона газлари” чиқиндиларининг тахминан 8 — 10 фоизини ташкил қилади. Бу бутун авиация саноатининг кўрсаткичидан деярли беш баробар юқоридир.

“Озиқ-овқат исрофгарчилигига қарши курашиш иқлим муаммосининг энг осон ва арзон ечимларидан бири бўлиши мумкин”, дейилади хабарда.

«СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТ» «СУПЕР ИНТЕЛЛЕКТ»ГА АЙЛАНДИ

АҚШ Президенти Дональд Трамп ижро ҳокимияти тизимида “сунъий интеллект” атамасини “супер интеллект” дея ўзгартиришни назарда тутувчи фармонни имзолади.

Бу ҳақда Оқ уй матбуот хизмати хабар бермоқда.

Унга кўра, АҚШ ижро ҳокимиятидаги барча департамент ва агентликлар расмий ёзишмалар, жамоатчиликка мўлжалланган материаллар, веб-сайтлар, ҳисоботлар ва бошқа ностатистик ҳужжатларда “сунъий интеллект” ўрнига “супер интеллект” атамасидан фойдаланиши керак. Аввал чиқарилган регламентлар, Президент ҳужжатлари, шартномалар, грантлар ва бошқа тарихий ҳужжатларни ўзгартириш талаб этилмайди.

Янги терминология фақат ижро ҳокимиятига тегишли бўлади. Конгресс, судлар, штат ҳукуматлари ёки хусусий компаниялар учун “супер интеллект” атамасидан фойдаланиш мажбурияти белгиланмаган.

ГЕРМАНИЯ ЯНА ЙЎЛОВЧИ САМОЛЁТИ ИШЛАБ ЧИҚАРАДИ

Германия 60 йилдан ортиқ танаффусдан сўнг йўловчи самолёти ишлаб чиқаришни қайта йўлга қўймоқда.

Бу ҳақда “Naked Science” нашрида хабар берилди.

Қайд этилишича, “Deutsche Aircraft” компанияси жорий йилнинг 29 сентябрь куни Лейпциг/Галле аэропортида “D328eco” минтақавий турбовинтли самолётининг йиғиш линияси учун мўлжалланган янги ишлаб чиқариш биносини очган.

Корхона тўлиқ қувватда ишлаганда йилига 48 тагача самолёт ишлаб чиқариши мумкин. “Deutsche Aircraft” бош директори Нико Нойманнинг айтишича, лойиҳа Германия авиация саноатининг илдизларига қайтишини англатади. “D328eco” мутлақо янги самолёт эмас. У 1991 йилнинг декабрида илк парвозини амалга оширган “Dornier 328” самолётининг такомиллаштирилган намунаси.

2000 ЙИЛЛИК СИР

Британиянинг Бат шаҳридаги тарихий “Assembly Rooms” биносини кенг кўламли реставрация қилиш чоғида “Wessex Archaeology” компанияси археологлари тарихий кашфиёт қилди, деб хабар бермоқда “Smithsonian magazine” нашри мухбири.

Гап шундаки, тадқиқотчилар XVIII асрга оид тантаналар зали поллари остидан қадимги қувурлар тармоғини ва Рим Британияси даврига оид ўнлаб ашёларни, жумладан, тангалар, сопол буюмлар, шиша идишлар, томга ёпиладиган плиткалар ва ҳарбий дубулға парчасини топган.

“National Trust” куратори Татьяна ЛеБоффнинг айтишича, топилмалар бу ерда деярли 2000 йил олдин яшаган ва меҳнат қилган одамлар ҳаётини ўрганишда асқатади. Археолог Марек Левкун эса бино остидаги ҳудуд, катта эҳтимол билан ҳунармандчилик дўконлари ва новвойхоналар жойлашган қадимги шаҳар бўлган, деган тахминни илгари сурди. Дубулға парчаси, шунингдек, шаҳар ва йўллар қурилишида ҳарбийларнинг иштирок этганидан далолат беради.

Интернет хабарлари асосида Шарофиддин ТЎЛАГАНОВ («Халқ сўзи») тайёрлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Демократик институтлар ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари Н. Ҳ. Тилаволдиевга падари бузруквори **Ҳакимжон ТИЛАВОЛДИЕВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳамда бошқа тегишли вазирлик, идоралар ҳамкорлигида ер майдони чекланган маҳаллаларда, кўп квартирали уйлар оралиғида, мактаб ва боғчалар ҳовлиларида маҳалла микроўрмонлари ташкил этилади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1042. 17 780 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; котибият 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-87.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.

Навбатчи муҳаррир — Р. Бобожонов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 23.20 Топширилди — 23.30 1 2 3 4 5 6